# ИМТИЁЗЛАР РЎЙХАТИ

| № | Юридик шахс Категорияси (тоифа) | Имтиёз тури | Амал қилиш муддати | Асос |
|---|---|---|---|---|
| 1. | ДАК "Ўзбекенгилсаноат" | **5-банди**. "Ўзбекенгилсаноат" давлат - акциядорлик компанияси кўрсатиб ўтилган хоналарни бериш айланмаси бўйича қўшилган қиймат солиғи ва юридик шахсларнинг фойда солиғи, шунингдек Дизайн марказига берилган мол-мулк ва майдонлар бўйича мулк солиғи ва ер солиғи тўлашдан озод қилинади. | белгиланмаган | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.06.2011 й.ПҚ-1554 «Ўзбекенгилсаноат давлат-акциядорлик компанияси ҳузурида дизайн маркази ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори |
| | Дизайн Марказ | **8-банди**. Дизайн маркази 2016 йил 1 январгача бўлган муддатга солиқларнинг барча турларини тўлашдан, шунингдек фаолиятининг асосий тури бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин. | 2016 йил 1 январгача | |
| 2 | Тижорат банклари | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус Жамғармаси ресурслари ҳисобидан кредит беришдан олинадиган тижорат банкларининг даромадлари бўшайдиган маблағларни мазкур жамғарманинг ресурс базасини оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан юридик шахслар фойдасидан тўланадиган солиқдан 2011 йил 1 апрелдан бошлаб 2016 йилнинг 1 январигача озод этиш таклифи қабул қилинсин. | 2011 йил 1 апрелдан бошлаб 2016 йилнинг 1 январигача | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.03.2011 й. ПҚ-1501 «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори |
| 3 | Экспортёр корхоналар | 2011 йилда солиқ тўловларини камайтириш туридаги имтиёзлари сақланган, хусусан:<br>Экспортер корхоналар учун фойда ва мол-мулк солиқларидан, шунинг микро фирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловларининг 2010 йил солиқ ставкалари сақланиб қолингани ҳолда ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар экспортининг (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги улуши қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатда келтирилган хом ашё маҳсулотлари бундан мустасно):<br>сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача, белгиланган ставка 30%га пасайтирилади<br>сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан юқори, белгиланган ставка 50%га пасайтирилади | 2011 йил | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.12.2010 й. ПҚ-1449 «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори |
| | Хизмат кўрсатиш соҳасидаги кохоналар | Хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналари учун пластик карталар қўлланиб ҳақ тўланган ҳолда кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича белгиланган фойда солиғи ставка 10%га, шунингдек савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналар (улгуржи дорихона ташкилотларидан ташқари) учун ягона солиқ тўловининг ставкалари, пластик карталар қўлланиб ҳақ тўланган ҳолда сотилган товарлар (кўрсатилган хизматлар) ҳажми бўйича белгиланган ставка 10%га пасайтирилади | 2011 йил | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Махсус хизмат кўрсатиш ва таъмирлашга ихисосолашган ташкилиотлар | Ўзбекистон Республикаси Президентининг "1991 йилгача қурилган кўп хонадонли тураржой биноларининг умумфойдаланадиган жойлари ва муҳандислик коммуникациялари капитал таъмирланишини якунлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2006 йил 25 июлдаги ПҚ-425-сон қарори билан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлашга ихисосолашган ташкилиотлар фондларига имтиёз бериш узайтрилган. | 2014 йил 1 январигача" | |
| | "Ўзтрансгаз" акциядорлик компаниясининг минтақалараро унитар корхоналарига | Белгилаб қўйилсинки, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги ҲГКнинг берилаётган мулки "Ўзтрансгаз" АКнинг солиқларини ҳисоблашда солиқ базасига қўшилмайди.<br>Ўзбекистон "Ўзкоммунхизмат" агентлигининг ҳудудий газ таъминоти корхоналарига илгари берилган мулк солиғи бўйича имтиёзлар "Ўзтрансгаз" акциядорлик компаниясининг минтақалараро унитар корхоналарига жорий этилсин. | белгиланмаган | |
| 4 | Хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган ва иловага мувофиқ рўйхат бўйича иқтисодиёт тармоқларида маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар | 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган ва иловага мувофиқ рўйхат бўйича иқтисодиёт тармоқларида маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқ, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин. (ЎзР Президентининг 28.12.2010 й. ПФ-4261-сон Фармони таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)<br>Белгилансинки, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда мазкур солиқ имтиёзлари берилади: | | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.04.2005 й. n пф-3594 «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони |
| | | 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача | 3 йил муддатга | |
| | | 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача | 5 йил муддатга; | |
| | | 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда | 7 йил муддатга. | |
| 5 | Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун Дастур доирасида ОТБ қарзи маблағлари ҳисобидан харид қилинаётган товарлар | Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун Дастур доирасида ОТБ қарзи маблағлари ҳисобидан харид қилинаётган товарлар, ишлар, хизматлар ва транспорт воситалари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно), қўшилган қиймат солиғидан, давлат мақсадли жамғармаларига, бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йиғимлар тўлашдан озод қилинсин. (ЎзР Президентининг 11.02.2011 й. ПФ-4275-сон Фармони таҳриридаги хатбоши)<br>Белгилансинки, ушбу имтиёзлар берилиши натижасида бўшайдиган маблағлар суммаси Ўзбекистон Республикасининг мазкур лойиҳани амалга оширишга қўшадиган улуши ҳисобланади.<br>Ушбу имтиёзлар мазкур лойиҳани амалга ошириш учун ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси маблағлари ҳисобига харид қилинадиган товарлар, ишлар ва хизматларга, шунингдек транспорт воситаларига нисбатан жорий этилсин. | Лойҳани амалга ошириш 5 йилга мўлжалланган (2010-2015 йй) | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.05.2010 й. N ПҚ-1331 «осиё тараққиёт банки иштирокида "минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш. 2-фаза" лойиҳасини кўп траншли молиялаштириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори |
| 6 | Тижорат Банк | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августда қабул қилинган | 2012 йилнинг 1 | Ўзбекистон Республикаси |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | "Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 433-қарорининг 1-банд иккинчи абзаци, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрда қабул қилинган "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 445-қарорининг 7-банди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлда қабул қилинган "Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 670-қарорининг 7-бандида кўзда тутилган солиқ ва божхона имтиёзларига амал қилиш муддати 2012 йилнинг 1 январигача узайтирилси | январигача | Президентининг 19.04.2010 й. N пк-1325 банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори |
| 7 | Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурига киритилган корхоналар | Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида" 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048-сон қарорининг 3-бандида белгиланган имтиёзлар:<br>2 ва 3-иловаларга* киритилган корхоналар учун - **2011 йилнинг 1 январигача бўлган даврда**;<br>2а ва 3а-иловаларга* киритилган корхоналар учун - **2012 йилнинг 1 январигача бўлган даврда амал қилади**.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048-сон қарорининг 3-бандида назарда тутилган имтиёзларнинг амал қилиши ушбу қарорнинг 4-иловасига* киритилган корхоналарга лойиҳалар белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилгандан сўнг Махсус идоралараро комиссиянинг қарорларига биноан **2012 йилнинг 1 январигача бўлган даврга** жорий этилади. | | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.03.2010 й. N ПҚ-1306 «2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги Қарори |
| 8 | Янги энергетика ва саноат технологияларини ривожлантириш ташкилоти (Япония), Япониянинг "TOHOKU Electric Power Co., Inc" компанияси ва бошқа хорижий юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олинган даромадлари бўйича юридик шахслар | Ушбу модель лойиҳасини амалга ошириш доирасида 2013 йилнинг 1 июлигача қуйидагилар:<br>Янги энергетика ва саноат технологияларини ривожлантириш ташкилоти (Япония), Япониянинг "TOHOKU Electric Power Co., Inc" компанияси ва бошқа хорижий юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олинган даромадлари бўйича юридик шахсларнинг фойда солиғини тўлашдан;<br>Янги энергетика ва саноат технологияларини ривожлантириш ташкилоти томонидан берилган маблағлар ҳисобига "Тошкент ИЭМ" оладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва эхтиёт қисмларнинг қиймати фойда солиғидан;<br>буюртмачи, бош лойиҳачи ва бош пудратчи томонидан амалга ошириладиган лойиҳа-қидирув, қурилиш-монтаж, ишга тушириш-созлаш ишлари, қўлдан-қўлга ўтган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида харид қилинадиган ускуналар, материаллар, эхтиёт қисмлар қўшилган қиймат солиғидан ва бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига тўланадиган мажбурий ажратмалардан озод этилсин. (ЎзР Президентининг 11.02.2011 й. ПФ-4275-сон Фармони таҳриридаги хатбоши) | 2013 йилнинг 1 июлигача | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.02.2010 й. N ПҚ-1277 "Тошкент иэм" оаждa когенерацион газ турбинаси технологиясини жорий этиш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори |
| 9 | ХТУ кредит маблағлари | лойиҳани амалга ошириш даври 5,5 йил деб белгиланган (2010 - 2015 йиллар). | 5,5 йил мобайнида | Ўзбекистон Республикаси |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ҳисобидан лойиҳа доирасида харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) ва транспорт воситалари | ХТУ кредит маблағлари ҳисобидан лойиҳа доирасида харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) ва транспорт воситалари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари), қўшимча қиймат солиғидан, мақсадли давлат жамғармалари ва бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий тўловлар ва йиғимлар тўлашдан озод этилсин. | (2010 - 2015 йиллар). | Президентининг 29.10.2009 й. N ПҚ-1216 «Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида "бухоро ва самарқанд шаҳарларида тозалаш иншоотлари ва канализация тизимларини реконструкция қилиш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори |
| 10 | Лойиҳа доирасида ИТБ маблағлари, ҚАИТЖ ва ОПЕК Жамғармаси қарзлари ҳисобидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар), транспорт воситалари | Лойиҳани 2009 - 2014 йиллар даври мобайнида амалга ошириш белгилаб қўйилган.<br>Лойиҳани амалга ошириш даврида мазкур лойиҳа доирасида ИТБ маблағлари, ҚАИТЖ ва ОПЕК Жамғармаси қарзлари ҳисобидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар), транспорт воситалари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари), қўшилган қиймат солиғидан, мақсадли давлат жамғармалари ҳамда бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига тўланадиган мажбурий ажратмалардан озод этилсин. | 2009 - 2014 йиллар | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.10.2009 й. N ПҚ-1215 «Ислом тараққиёт банки, кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ва опек халқаро тараққиёт жамғармаси иштирокида "жиззах ва сирдарё вилоятларида ирригация-дренаж тармоқларини тиклаш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори |
| 11 | Ихтисослаштирилган "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниялари | Ихтисослаштирилган "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси 2014 йилнинг 1 январигача барча турдаги солиқ тўловларидан ҳамда Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилсин. (ЎзР Президентининг 11.02.2011 й. ПФ-4275-сон Фармони таҳриридаги банд) | 2014 йилнинг 1 январигача | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.08.2009 й. N ПҚ-1167 «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори |
| 12 | Махсус печлар (айланма, туннелсимон ва бошқалар)дан фойдаланган ҳолда замонавий энергия тежайдиган технологиялар асосида пишган ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар<br><br>Микрофирмалар ва кичик корхоналарга | 2009 йилнинг 1 июлидан бошлаб 2012 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда махсус печлар (айланма, туннелсимон ва бошқалар)дан фойдаланган ҳолда замонавий энергия тежайдиган технологиялар асосида пишган ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар барча турдаги солиқлар, давлат мақсадли жамғармаларига ва Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинади (ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно); (ЎзР Президентининг 11.02.2011 й. ПФ-4275-сон Фармони таҳриридаги хатбоши)<br><br>2012 йилнинг 1 январидан бошлаб фойдали қазилмаларни қазиб чиқарувчи ва ер бағридан фойдаланганлик учун солиққа тортилувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга пишган ғишт ишлаб чиқарганида ер бағридан фойдаланганлик учун | 2009 йилнинг 1 июлидан бошлаб 2012 йилнинг 1 январига<br><br>2012 йилнинг 1 январидан бошлаб | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.06.2009 й. N ПҚ-1134 «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | солиқ тўлаш бўйича мажбуриятларни сақлаб қолган ҳолда ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш ҳуқуқи берилади; | | |
| 13 | Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети | Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети барча турдаги солиқлардан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича республикамизга Университетни реконструкция қилиш, жиҳозлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун олиб келинадиган асбоб-ускуналар, компьютер ва ташкилий техника, адабиёт, мультимедия маҳсулотлари, қурилиш материаллари, жиҳозлар ва моддий-техника ресурслари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 5 йил муддатга озод этилсин. | 5 йилга | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.04.2009 й. N ПҚ-1106 «Тошкент шаҳрида турин политехника университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори |
| 14 | Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, унинг таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотлар | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, унинг таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотлар томонидан импорт қилинадиган ускуналар, материаллар ва эҳтиёт қисмлар фойда солиғи, шунингдек божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан 2015 йилнинг 1 январигача озод этилсин, бўшайдиган маблағлар уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга мақсадли йўналтирилсин.<br>Белгилансинки, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибига кирувчи ташкилотлар балансига бепул бериладиган, телерадиокомпания томонидан харид қилинган ускуналар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар уларнинг даромадлари ҳисобланмайди ҳамда солиққа тортиш базасидан чиқариб ташланади. | 2015 йилнинг 1 январигача | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.04.2009 й. N ПҚ-1088 «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида юқори технологияли телерадиоускуналардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори |
| 15 | "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки | "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки фойда ва мулк солиғи, шунингдек олиб келинадиган банк жиҳозлари ва техникаси учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 2012 йилнинг 1 январигача озод этилсин, бўшайдиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг банк устав капиталидаги улушини кўпайтиришга мақсадли тарзда йўналтирилсин. | 2012 йилнинг 1 январигача | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.03.2009 й. N ПҚ-1083 "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори |
| 16 | Янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари ва "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси билан тузилган шартнома асосида ишлайдиган инжиниринг корхоналар | Янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари 2014 йил 1 январгача "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси билан тузилган шартномалар бўйича фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартлари билан якка тартибда уй-жой қуриш доирасида улар томонидан амалга ошириладиган ишлар ҳажмлари бўйича пудрат ташкилотлари ва: ЎзР Президентининг 22.12.2009 й. ПҚ-1245-сон Қарори таҳриридаги хатбоши)<br>солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинсин, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бундан мустасно | 2014 йил 1 январгача | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.01.2009 й. N ПҚ-1051 «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори |
| 17 | 2-иловага* мувофиқ ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга | 2012 йил 1 январгача бўлган даврда 2-иловага* мувофиқ ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга қуйидаги кўринишда солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялари берилсин:<br>микрофирмалар ва кичик корхоналар учун фойда солиғи ва мулк солиғи, ягона солиқ тўловлари, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан | 2012 йил 1 январгача | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2009 й. n пқ-1050 «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | озод этиш; | | рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори |
| 18 | "Мевасабзавоттайёрловсавдо" компанияси<br><br>асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашаётган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналар | 2012 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда қуйидагича солиқ ва божхона имтиёзлари берилсин:<br>ихтисослаштирилган "Мевасабзавоттайёрловсавдо" компанияларини ягона солиқ тўлови тўлашдан озод қилиш, бўшайдиган маблағларни мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум тайёрлаш ҳамда сақлаш объектларининг айланма маблағларини тўлдиришга ва техникавий қайта жиҳозлашга мақсадли тарзда йўналтириш;<br>асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашаётган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкасини 50 фоизга камайтириш, бўшайдиган маблағларни ишлаб чиқариш корхоналарини техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга, шу жумладан, янги лабораториялар барпо этиш ва мавжудларини жиҳозлашга, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга, шунингдек хом ашё базасини ривожлантиришга мақсадли тарзда йўналтириш; | 2012 йилнинг 1 январига | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.01.2009 й. N ПҚ-1047Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори |
| 19 | Корея тараққиёт банки | Корея тараққиёт банки мазкур лойиҳани амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлов манбаидан ундириладиган фойда солиғи тўлашдан озод этилсин. | лойиҳани амалга ошириш даврига | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.08.2008 й. N ПҚ-935 "Сиқиш компрессор станцияси қуриш билан денгизкўл газни дастлабки тайёрлаш қурилмаси (гдтқ)ни реконструкция қилиш" инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори |
| 20 | Корея Республикаси Ҳукуматининг Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш фонди (EDCF) имтиёзли кредити маблағлари ҳисобидан пудратчилардан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)<br><br>лойиҳанинг хорижий қатнашчилари | Корея Республикаси Ҳукуматининг Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш фонди (EDCF) имтиёзли кредити маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳа доирасида қуйидагилар:<br>инвестиция даврида бевосита етказиб берувчи ҳамда пудратчилардан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) қўшилган қиймат солиғидан, давлатнинг мақсадли фондларига ва бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалардан; (ЎзР Президентининг 11.02.2011 й. ПФ-4275-сон Фармони таҳриридаги хатбоши)<br>лойиҳанинг хорижий қатнашчилари Ўзбекистон Республикасидаги тўлов манбаидан ундириладиган фойда солиғи тўлашдан озод этилсин. | инвестиция даврига | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.07.2008 й. N ПҚ-934 «Корея республикаси ҳукуматининг иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш фонди (edcf) имтиёзли кредити маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори |
| 21 | Ўқув ва илмий-тадқиқот | 2013 йилнинг 1 январигача бўлган даврда ўқув ва илмий-тадқиқот муассасалари | 2013 йилнинг | Ўзбекистон Республикаси |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | муассасалари ҳамда ташкилотлар | ҳамда ташкилотлари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари хўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган шартномалар бўйича амалга ошириладиган амалий илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш қисмида даромад солиғи, ягона солиқ тўлови, қўшилган қиймат солиғи ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) тўлашдан озод этилсин. | 1 январигача | Президентининг 15.07.2008 й. N ПҚ-916 «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори |
| 22 | S.I.S. Sayilgan Iplik Tekstil Turizm Insaat San. ve Tic A.S." команияси томонидан "Бухоротекс" ОАЖ мулкий комплексининг қолган қисми негизида ташкил этиладиган янги хорижий корхоналар | S.I.S. Sayilgan Iplik Tekstil Turizm Insaat San. ve Tic A.S." команияси томонидан "Бухоротекс" ОАЖ мулкий комплексининг қолган қисми негизида ташкил этиладиган янги хорижий корхонага Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-3594-сонли Фармони 1-бандидаги биринчи хатбошида назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилсин. | Инвестиция хажмига караб 3 йилдан 7 йилгача | Ўзбекистон Республикаси Президентининг20.05.2008 й. N ПҚ-870"Бухоротекс" очиқ акциядорлик жамиятини янада модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори |
| 23 | ХХР Эксимбанки маблағлари ҳисобидан лойиҳа доирасида харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар). | ХХР Эксимбанки маблағлари ҳисобидан лойиҳа доирасида харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари), қўшилган қиймат солиғи ҳамда давлатнинг мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йиғимлар тўлашдан озод қилинсин. | Лойҳа доирасида | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.05.2008 й. N ПҚ-855 ххр «Эксимбанки иштирокида "фарғона, марғилон шаҳарлари ва сув йўлидаги аҳоли пунктларини сув билан таъминлашни тубдан яхшилаш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори |
| 24 | Республика теннис мактаби | Республика теннис мактаби 2013 йилнинг 1 январигача:<br>бўшайдиган маблағларни Республика теннис мактабининг устав вазифаларини бажаришга мақсадли йўналтирган холда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган барча турдаги солиқларни тўлашдан озод этилсин.<br>Белгилансинки, юридик ва жисмоний шахслар учун фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича солиққа тортиш базаси 5 йил муддатга Республика теннис мактабини қўллаб-қувватлаш мақсадларига ҳомийлик (беғараз) ёрдам сифатида ўтказиладиган маблағлар суммаси миқдорида камайтирилади. | 2013 йилнинг 1 январигача | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.04.2008 й. N ПҚ-848 «Республика олимпия захиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори |
| 25 | Республика "Ўзнаслчилик" корхонаси асосий фаолият тури бўйича | Қуйидагилар 2012 йилнинг 1 январигача бўлган даврда, истисно тариқасида:<br>наслчилик иши корхоналари ва Республика "Ўзнаслчилик" корхонаси асосий фаолият тури бўйича барча солиқлар ва давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳамда Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан; (ЎзР Президентининг 11.02.2011 й. ПФ-4275-сон Фармони таҳриридаги хатбоши)<br>зооветеринария пунктлари - корхонани рўйхатга олишда ва ветеринария | 2012 йилнинг 1 январигача | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.04.2008 й. N ПҚ-842 «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия беришда давлат божи тўлашдан; фермер хўжаликлари ва чорвачилик фермалари - чорвачилик маҳсулотларини, жумладан, унинг қайта ишланган маҳсулотини сотиш тушумидан давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳамда Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин. | | ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги* Қарори |
| 26 | Женерал Моторс Ўзбекистон" ЁАЖ | "Женерал Моторс Ўзбекистон" ЁАЖ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилаётган барча солиқлардан, шунингдек Республика Йўл жамғармасига тўланадиган мажбурий тўловлардан; бутловчи буюмлар, материаллар ва технологик жиҳозлар ишлаб чиқарувчи корхоналар қўшилган қиймат солиғи ва "Женерал Моторс Ўзбекистон" ЁАЖ томонидан ишлаб чиқариладиган автомобиллар учун ана шу корхоналар томонидан сотиладиган маҳсулотлар фойда солиғи тўлашдан, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий воситалар мулк солиғи тўлашдан; "Женерал Моторс Ўзбекистон" ЁАЖнинг хорижий ходимлари мазкур корхонадаги хизмат доирасида оладиган даромадлари даромад солиғи тўлашдан; "Женерал Моторс" корпорацияси, "Женерал Моторс Интернейшнл Холдингс" компанияси ва унинг ҳуқуқий ворислари "Женерал Моторс Ўзбекистон" ЁАЖ томонидан тўланадиган, дивиденд тарзида олинадиган даромадлар бўйича фойда солиғи тўлашдан **5 йил муддат**га озод этилсин. Белгилансинки, "Женерал Моторс Ўзбекистон" ЁАЖ 2-иловага* мувофиқ жадвал бўйича янги моделдаги автомобиллар ишлаб чиқаришни ўзлаштирган пайтдан бошлаб ушбу қарор билан жорий этилган имтиёзлар уларнинг амал қилиш муддати 2017 йилнинг 31 декабрида тугаши билан яна беш йиллик муддатга узайтирилади. Белгилаб қўйилсинки, "Женерал Моторс Ўзбекистон" ёпиқ акциядорлик жамияти расмий дилерларининг автомобилларни таъмирлаш ва уларга сервис хизматлари кўрсатиш, жумладан ушбу хизматларни кўрсатиш вақтида ўрнатиладиган эхтиёт қисмлар, узеллар, агрегатлар ва материалларнинг нархлари, шунингдек эхтиёт қисмлар, узеллар, агрегатлар ва материалларни уларнинг савдо тармоқлари орқали сотиш қўшилган қиймат солиғисиз амалга оширилади | 5 йил муддатга | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.02.2008 й. N ПҚ-800 «Хорижий инвестициялар иштирокида "женерал моторс ўзбекистон" корхонасини барпо этиш тўғрисида»ги Қарори |
| 27 | Трансйўлқурилиш" компанияси ва Осиё тараққиёт банки қарзи маблағлари ҳисобидан инвестиция даврида харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар). | Трансйўлқурилиш" компанияси, истисно тариқасида, тўрт йил муддатга: ягона ижтимоий тўловдан ташқари барча турдаги солиқлар ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан; Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси билан Осиё тараққиёт банки ўртасидаги қарз битими шартларига мувофиқ Осиё тараққиёт банки қарзи маблағлари ҳисобидан инвестиция даврида харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда божхона тўловлари, солиқлар, давлатнинг мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига тўланадиган мажбурий ажратмалар ва йиғимлардан озод этилади. Ушбу имтиёзларни бериш натижасида ҳосил бўлган маблағлар Ўзбекистон | тўрт йилга (2008 - 2011 йиллар) белгиланган | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.02.2008 й. N ПҚ-804 «Осиё тараққиёт банки иштирокида "минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Республикасининг лойиҳани амалга оширишга қўшадиган ҳиссаси ҳисобланади. (ЎзР Президентининг 11.02.2011 й. ПФ-4275-сон Фармони таҳриридаги хатбоши) Ушбу имтиёзлар, лойиҳани амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси томонидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)га ҳам татбиқ этилсин. | | |
| 28 | Ўзбекистон Республикаси ва ОТБ қарз маблағлари ҳисобидан инвестиция даврида харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар). | мазкур лойиҳани амалга ошириш даври тўрт йилга (2008 - 2011 йиллар) белгиланган; Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси билан ОТБ ўртасидаги Қарз битими шартларига мувофиқ ОТБ қарз маблағлари ҳисобидан инвестиция даврида харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) қонун хужжатларида белгиланган тартибда божхона тўловлари, солиқлар, мақсадли давлат жамғармаларига ва бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига тўланадиган мажбурий ажратмалар ҳамда йиғимлардан озод этилади. Мазкур имтиёзларни бериш натижасида ҳосил бўладиган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг лойиҳани амалга оширишга қўшадиган ҳиссаси ҳисобланади. (ЎзР Президентининг 11.02.2011 й. ПФ-4275-сон Фармони таҳриридаги хатбоши) Мазкур имтиёзлар лойиҳани амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси томонидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)га ҳам татбиқ этилсин. | тўрт йилга (2008 - 2011 йиллар) белгиланган | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.02.2008 й. N ПҚ-803 «Осиё тараққиёт банки иштирокида "қишлоқ жойларда умумий ўрта таълимни ривожлантириш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори |
| 29 | "Бухоротекс" ОАЖ 1-сонли йигирув-тўқув фабрикаси негизида "ДЭУ Интернейшнл" компанияси томонидан ташкил этилаётган янги хорижий корхоналар | Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сонли Фармони 1-бандининг биринчи хатбошида назарда тутилган имтиёзлар "Бухоротекс" ОАЖ 1-сонли йигирув-тўқув фабрикаси негизида "ДЭУ Интернейшнл" компанияси томонидан ташкил этилаётган янги хорижий корхонага тадбиқ этилсин. | Инвестиция хажмига караб 3 йилдан 7 йилгача | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.02.2008 й. N ПҚ-798 "Бухоротекс" оажни модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори |
| 30 | Қўшма корхоналар | Қўшма корхона қуйидагилардан: корхонани қуриш, ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ўзлаштириш даврида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга мувофиқ олиб келинадиган ускуналар ва материаллар божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари), шунингдек лойиҳа доирасида хорижий компаниялар томонидан бажариладиган ишлар ва хизматлар ҳажмлари қўшилган қиймат солиғи тўлашдан; Устюрт ГККда маҳсулот ишлаб чиқарилишидан бошлаб ўн йил муддат, аммо Консорциумнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини қайтариш муддатидан ошмайдиган даврда фойда солиғи, мулк солиғи ҳамда ижтимоий инфратузилмани ободонлаштириш ва ривожлантириш солиғи тўлашдан озод этилсин. | Устюрт ГККда маҳсулот ишлаб чиқарилишидан бошлаб ўн йил муддат, аммо Консорциумнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини қайтариш муддатидан ошмайдиган даврга | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.02.2008 й . N ПҚ-797 «Сургил конини комплекс ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори |
| 31 | ХХР Эксимбанки | Маълумот учун қабул қилинсинки, қарз битимининг шартларига мувофиқ қуйидагилар: | | Ўзбекистон Республикаси Президентининг |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | ХХР Эксимбанки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлов манбаидан ундириб олинадиган фойда солиғи тўлашдан; | | 14.02.2008 й. N ПҚ-794 "Марказий фарғонанинг ҳайдаладиган ерлари мелиоратив тармоқларини яхшилаш" инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори |
| 32 | Деҳқонобод калий ўғитлари заводи Дирекцияси, ишга туширилгандан сўнг эса Деҳқонобод калий ўғитлари заводи<br><br>ХХР Эксимбанки, "СИТИК" ва "ЗУМК-Инжиниринг" компаниялар | Қуйидагилар:<br>2013 йилнинг 1 январигача - қурилаётган Деҳқонобод калий ўғитлари заводи Дирекцияси, ишга туширилгандан сўнг эса Деҳқонобод калий ўғитлари заводи - ҳисобланган солиқлар суммасини жалб этилган кредитларни тўлашга йўналтирган ҳолда, ер ости бойликларидан фойдаланиш солиғи ва ер солиғи тўлашдан;<br>ХХР Эксимбанки, "СИТИК" ва "ЗУМК-Инжиниринг" компаниялари - мазкур лойиҳани амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлов манбаидан ундириладиган фойда солиғи тўлашдан озод этилсин. | 2013 йилнинг 1 январигача | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.12.2007 й. N ПҚ-748 «Деҳқонобод калий ўғитлари заводи Қурилишини жадаллаштириш Чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори |
| 33 | Сингапур менежментни ривожлантириш институти | Институт, жумладан, Институтни жиҳозлаш ва унинг фаолият юритиши учун республикага олиб келинадиган ускуналар, мультимедиа маҳсулотлари, адабиётлар, анжомлар ва моддий-техника ресурсларини олиб киришда 5 йил муддатга барча турдаги солиқлар ва божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод қилинсин. | | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.09.2007 й. N пқ-691 «Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги Қарори |
| 34 | Микро фирма ва кичик корхоналар учун | Қонунчиликка мувофиқ, кичик бизнес субъектларига хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида кенг солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилгани маълумот учун қабул қилинсин.<br>Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон "Ўзбекистон Республикасида 2006 - 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган солиқ имтиёзларига амал қилиш муддати 2012 йил 1 январгача узайтирилсин. (ЎзР Президентининг 29.12.2008 й. ПҚ-1024-сон Қарори тахриридаги хат боши)<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон қарорининг 7-бандида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари санаторийлар, ахборот-ресурс марказлари, болалар соғломлаштириш муассасалари, ахборот-кутубхона марказлари, шунингдек, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари хизматларига ҳам татбиқ этилсин. | 2012 йил 1 январгача узайтирилган | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.05.2007 й. N пқ-640 «Ўзбекистон республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори |
| 35 | ХХР Эксимбанки, мазкур қарорда кўрсатиб ўтилган Хитой суғурта | ХХР Эксимбанки, мазкур қарорда кўрсатиб ўтилган Хитой суғурта агентликлари ва компаниялари мазкур Лойиҳани амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлов манбаидан олинадиган фойда солиғи тўлашдан озод | Лойиҳани амалга ошириш доирасида | Ўзбекистон республикаси Президентининг 06.04.2007 й. N пқ-617 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | агентликлари ва компаниялари | этилсин. | | «"Ўзбекнефтгаз" МХК корхоналарини бурғулаш қурилмалари ва 3д сейсмик қидирув комплекслари билан жиҳозлаш" Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори |
| 36 | Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, биринчи галда транспорт, алоқа, қурилиш ва қурилиш индустриясининг йирик корхоналарига, шунингдек тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат корхоналари | Республика шароитида аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишнинг самарали шаклларидан бири сифатида аҳолини хўжалик юритувчи субъектлар билан кооперациялашган ҳолда касаначилик меҳнатига кенг жалб этишни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сонли Фармонининг амал қилиши иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, биринчи галда транспорт, алоқа, қурилиш ва қурилиш индустриясининг йирик корхоналарига, шунингдек тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат корхоналарига нисбатан ҳам жорий этилсин.<br>Товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берадиган корхоналар 2006 йилнинг 1 февралидан бошлаб 2014 йилнинг 1 январигача, меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилинсин. | | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.04.2007 й. N ПҚ-616 «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори |
| 37 | Хитой Тараққиёт Банкини | Мазкур қарорнинг 1-иловасига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида:<br>Хитой Тараққиёт Банкини - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлов манбаидан ундирилиб олинадиган фойда солиғи; | | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.01.2007 й. N ПҚ-572 «"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш тўғрисида»ги Қарори |
| 38 | Операторга ва маркетинг компаниясига | Битимни амалга ошириш доирасида инвесторга бериладиган имтиёз ва преференциялар операторга ва маркетинг компаниясига жорий этилсин. | Битимни амалга ошириш | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.01.2007 й. N ПҚ-567 «Ўзбекистон республикасининг жануби-ғарбий ҳисор ва устюрт минтақаси ҳудудларида геология-қидирув ишларини ўтказиш, углеводород конларини очиш ва қазиб чиқариш чора- |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | тадбирлари тўғрисида»ги қарори |
| 39 | Тўқимачилик саноати корхоналари учун инвесторлар ва инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларни танлаб олиш бўйича Ҳукумат комиссияси қарорлари билан сотиб олинган мулк негизида янгитдан барпо этиладиган ёки ишончли бошқарувга топширилган тўқимачилик корхоналари | Тўқимачилик саноати корхоналари учун инвесторлар ва инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларни танлаб олиш бўйича Ҳукумат комиссияси қарорлари билан сотиб олинган мулк негизида янгитдан барпо этиладиган ёки ишончли бошқарувга топширилган тўқимачилик корхоналарига қуйидагилар:<br>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги "Республика тўқимачилик тармоғига инвестициялар жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 38-сонли қарорида назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилсин.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 июндаги ПФ-3267-сон Фармонида ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 141-сон қарорида назарда тутилган имтиёзлар "Ўзбекенгилсаноат" давлат-акциядорлик компанияси корхоналари учун 2012 йил 1 январгача бўлган даврга узайтирилсин.<br>«Белгилаб қўйилсинки, 2003 йилнинг 1 июлидан то 2005 йилнинг 1 январига қадар тайёр кийим-кечак (тикувчилик, трикотаж ва чарм буюмлар), пайпоқлар ва пойафзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий сармоя иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари бюджетга тўланадиган қўшимча қиймат солиғидан ташқари барча турдаги солиқ ва йиғимлардан озод қилинадилар.<br>Белгилансинки, ушбу Фармонга мувофиқ бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш ва модернизациялаш, янги турдаги тайёр маҳсулотларни ўзлаштиришга, ўзининг айланма маблағларини тўлдиришга, ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга сарфланади.»<br>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги N 141-сонли Қарори асосан<br>"Ўзбекенгилсаноат" давлат-акциядорлик компанияси корхоналарига контракт тузиш пайтида вужудга келган жаҳон нархларидан паст бўлмаган нархлар бўйича эркин муомаладаги валютага (қўшилган қиймат солиғини нул ставка бўйича ҳисоблаган ҳолда) ички бозорда ярим тайёр тўқимачилик маҳсулотларини (калава, газмол, трикотаж полотно ва пахтани йигириш чиқиндиларини) 2007 йил 1 январгача харид қилишига истисно тариқасида рухсат берилсин, бунда ушбу ярим тайёр маҳсулотлардан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг камида 80 фоизи экспортга йўналтирилиши назарда тутилсин. | | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.09.2006 й. N ПҚ-474 «Тўқимачилик соҳасининг иқтисодий ночор корхоналарини сотиб олган ёки ишончли бошқарувга қабул қилган инвесторларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори |
| 40 | Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ихтисослаштирилган бошқарувчилари | 2007 йилнинг 1 январидан 2014 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда барча турдаги солиқлар, йиғимлар ва бюджетга, давлат мақсадли фондлари ҳамда Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига, ягона ижтимоий тўловдан ташқари, мажбурий ажратмалар тўлашдан:<br>хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ихтисослаштирилган бошқарувчилари - хизмат кўрсатиш ташкилотлари уй-жой фондига хизмат қилиш ва таъмирлаш бўйича хизмат кўрсатганда озод этилсин. | 2007 йилнинг 1 январидан 2014 йилнинг 1 январигача | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.07.2006 й. N ПҚ-425 1991 йилгача қурилган кўп хонадонли тураржой биноларининг умумфойдаланадиган жойлари ва муҳандислик коммуникациялари капитал таъмирланишини якунлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори |
| 41 | Глобал жамғарманинг | ОИТВ/ОИТС, сил ва безгак касалликлари тарқалишига йўл қўймасликка | Лойҳани амалга | Ўзбекистон Республикаси |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | грант маблағлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган ва сотиб олинаётган дори-дармонлар, тиббий ва лаборатория асбоб-ускуналари, хизматлар ва бошқа товарлар. | қаратилган стратегик дастурлар доирасида Глобал жамғарманинг грант маблағлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган ва сотиб олинаётган дори-дармонлар, тиббий ва лаборатория асбоб-ускуналари, хизматлар ва бошқа товарлар Ўзбекистон Республикасининг ҳиссаси сифатида божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) ва қўшилган қиймат солиғидан озод этилсин.<br>ОИТС бўйича - Республика ОИТС маркази, сил касаллиги бўйича -Республика DOTS маркази, безгак касаллиги бўйича - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази мазкур дастурларни амалга оширишда ижро этувчи органлар ҳисобланади. | ошириш даврига | Президентининг 03.04.2006 й. N ПҚ-315 «Оитс, сил ва безгак касалликларига қарши кураш бўйича халқаро глобал жамғармаси грант маблағларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори |
| 42 | Корея Республикасининг вакил қилиб тайинланган банклари ва бошқа хорижий иштирокчилар | Лойиҳани амалга ошириш даврида:<br>Корея Республикаси Ҳукумати кредити ҳисобидан лойиҳани амалга ошириш доирасида Корея Республикасининг вакил қилиб тайинланган банклари ва бошқа хорижий иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги тўлов манбаларидан олинадиган фойда солиғи тўлашдан озод этилсин. | Лойҳани амалга ошириш даврига | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.03.2006 й. N ПҚ-312 «"Ўзбекистон республикаси умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш" лойиҳасини амалга ошириш учун корея республикаси ҳукумати томонидан бериладиган имтиёзли кредитдан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори |
| 43 | Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми бўйича | "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлган тақдирда ер солиғи, мулк солиғи, даромад солиғи, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови (кичик корхоналар учун), Республика йўл жамғармаси ва Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этилсин:<br>3 миллион евродан 10 миллион еврогача - 7 йилга;<br>10 миллион евродан 30 миллион еврогача - 10 йилга. Кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади;<br>30 миллион евродан ортиқ бўлганда - 15 йилга. Кейинги 10 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади. | Инвестиция хажмига қараб 7 йилдан 25 йилгача | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.12.2008 й. N ПФ-4059 «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони |
| 44 | Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича пудрат ва бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлар | 2008-2012 йиллар мобайнида жамғарма маблағлари ҳисобидан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича пудрат ва бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ишлар ва хизматлар - қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этилсин. | 2008-2012 йиллар мобайнида | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.10.2007 й. N ПФ-3932 «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан takomиллаштириш |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони |
| 45 | Юридки ташкилотлар | Хўжалик юритувчи субъектларга беш йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, янги технологик ускуналар харид қилиш, янги қурилиш шаклида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, шунингдек, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдорида, тегишли солиқ даврида амортизация ажратмаларини чиқариб ташлаган ҳолда, аммо солиққа тортиладиган даромаднинг 30 фоизидан ошмайдиган миқдорда фойдадан олинадиган солиқ базасини камайтириш ҳуқуқи берилсин. (ЎзР Президентининг 21.12.2009 й. ПФ-4158-сон Фармони таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)<br>Ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мулк солиғидан озод этилсин.<br>Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган юридик шахслар учун беш йил давомида ягона солиқ тўлови тўлашда солиққа тортиладиган базани харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирган ҳолда солиқ имтиёзлари жорий этилсин. | беш йил мобайнида | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2007 й. N ПФ-3860 «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони |
| 46 | Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган ва иловага мувофиқ рўйхат бўйича иқтисодиёт тармоқларида маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар | 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган ва иловага мувофиқ рўйхат бўйича иқтисодиёт тармоқларида маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқ, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин. (ЎзР Президентининг 28.12.2010 й. ПФ-4261-сон Фармони таҳриридаги хатбоши) (Олдинги таҳририга қаранг)<br>Белгилансинки, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда мазкур солиқ имтиёзлари берилади: | | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.04.2005 й. N ПФ-3594 Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони |
| | | 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача | 3 йил муддатга; | |
| | | 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача | 5 йил муддатга; | |
| | | 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда | 7 йил муддатга. | |
| 47 | Нефть ва газ конларини қидириш ва разведка қилиш ишларини амалга оширувчи хорижий компаниялар, шунингдек улар томонидан жалб этиладиган хорижий пудрат ва ёрдамчи пудрат | Нефть ва газ конларини қидириш ва разведка қилиш ишларини амалга оширувчи хорижий компаниялар, шунингдек улар томонидан жалб этиладиган хорижий пудрат ва ёрдамчи пудрат ташкилотлари қуйидагиларни тўлашдан озод қилинсин:<br>геология-разведка ишларини ўтказиш даврида бюджетдан ташқари жамғармаларга барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмаларни;<br><br>Белгилансинки, нефть ва газ конларини қидириш ва разведка қилиш ишларини | геология-разведка ишларини ўтказиш даврида | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.04.2000 й. N ПФ-2598 «Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга бевосита хорижий сармояларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ташкилотлар<br><br>хорижий компанияларга материаллар етказиб бериш, ишлар ва хизматларни бажариш билан шуғулланувчи Ўзбекистон Республикасининг резидент корхоналари ва ташкилотлари | олиб бораётган хорижий компанияларга материаллар етказиб бериш, ишлар ва хизматларни бажариш билан шуғулланувчи Ўзбекистон Республикасининг резидент корхоналари ва ташкилотлари қўшилган киймат солиғини тўлашдан озод этиладилар. | компанияларга материаллар етказиб берилган, ишлар ва хизматлар бажарилган даврга | |
| 48 | Халқаро тараққиёт уюшмасининг кредити ҳисобига кўрсатиб ўтилган лойиҳа доирасида сотиб олинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) | лойиҳани амалга ошириш даври 4 йилни (2010 - 2013 йиллар) ташкил этиши маълумот учун қабул қилинсин.<br>Халқаро тараққиёт уюшмасининг кредити ҳисобига кўрсатиб ўтилган лойиҳа доирасида сотиб олинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно), қўшилган қиймат солиғидан ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига ва бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йиғимлардан озод қилинсин. (ЎзР ВМ 18.02.2011 й. 42-сон Қарори таҳриридаги хатбоши)<br>Белгилансинки:<br>кўрсатиб ўтилган имтиёзлар берилиши натижасида бўшаб қоладиган маблағлар суммаси Ўзбекистон Республикасининг лойиҳани амалга оширишга улуши ҳисобланади;<br>ушбу бандда назарда тутилган имтиёзлар, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилиш бундан мустасно, лойиҳани амалга ошириш учун ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси маблағлари ҳисобига сотиб олинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)га нисбатан ҳам қўлланилади. | 4 йил (2010 - 2013 йиллар) | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 09.09.2009 й. N 258 «Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида "мактаб таълимини ривожлантириш. 2-босқич" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» |
| 49 | Осиё тараққиёт банкининг қарз маблағлари ҳисобига сотиб олинадиган товарлар (ишлар, хизматлар). | лойиҳани амалга ошириш даври 2009-2014 йиллар этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.<br>Осиё тараққиёт банкининг қарз маблағлари ҳисобига сотиб олинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) инвестиция даври мобайнида (2009-2014 йиллар) божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно), қўшилган қиймат солиғи, давлат мақсадли жамғармаларига ва бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йиғимлар тўлашдан озод қилинсин. | 2009-2014 йиллар | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 20.03.2009 й. N 79 «Осиё тараққиёт банки иштирокида "сурхондарё вилоятининг сув таъминоти ва санитарияси" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» |
| 50 | «Mimatas Tekstil Sanayi ve Ticaret A.S." компанияси томонидан "Бобур" ОАЖ мулкий комплексининг | «Mimatas Tekstil Sanayi ve Ticaret A.S." компанияси томонидан "Бобур" ОАЖ мулкий комплексининг бир қисми базасида ташкил этилаётган хорижий корхонага Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора- | Инвестиция хажмига қараб 3 йилдан 7 йилгача | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 16.02.2009 й. n 43 "бобур" оаж базасида енгил |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | бир қисми базасида ташкил этилаётган хорижий корхонага | тадбирлар тўғрисида" 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармони 1-бандининг биринчи хат бошида назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилсин. | | саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида |
| 51 | "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси | "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси мол-мулкни ушбу қарорни амалга ошириш доирасида ташкил этиладиган автомобиль саноати корхоналари устав фондига улуш сифатида беришда фойда солиғидан ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинсин.<br>"Ўзавтосаноат" акциядорлик компаниясининг "Бобур" ОАЖнинг 2-пардозлаш-бўяш фабрикаси майдонларида 2009-2012 йиллар даврида "Женерал Моторс Ўзбекистон" ЁАЖ ва "СамАвто" МЧЖ махсулотлари учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқариш бўйича иловага* мувофиқ бешта корхона ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. | 2009-2012 йиллар | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар МаҳкамасинингҚарори 16.02.2009 й.N 44<br>"бобур" оаж ишлаб чиқариш майдонларида автомобиль саноати инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисида |
| 52 | "Ўзбекенгилсаноат" давлат-акциядорлик компанияси корхоналари | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги "Республика тўқимачилик тармоғига инвестициялар жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 38-сонли қарорида назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилсин.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 июндаги ПФ-3267-сон Фармонида ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 141-сон қарорида назарда тутилган имтиёзлар "Ўзбекенгилсаноат" давлат-акциядорлик компанияси корхоналари учун.<br>«Белгилаб қўйилсинки, 2003 йилнинг 1 июлидан то 2005 йилнинг 1 январига қадар тайёр кийим-кечак (тикувчилик, трикотаж ва чарм буюмлар), пайпоқлар ва пойафзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий сармоя иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари бюджетга тўланадиган қўшимча қиймат солиғидан ташқари барча турдаги солиқ ва йиғимлардан озод қилинадилар.<br>Белгилансинки, ушбу Фармонга мувофиқ бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш ва модернизациялаш, янги турдаги тайёр маҳсулотларни ўзлаштиришга, ўзининг айланма маблағларини тўлдиришга, ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга сарфланади.»<br>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги N 141-сонли Қарори асосан<br>"Ўзбекенгилсаноат" давлат-акциядорлик компанияси корхоналарига контракт тузиш пайтида вужудга келган жаҳон нархларидан паст бўлмаган нархлар бўйича эркин муомаладаги валютага (қўшилган қиймат солиғини нул ставка бўйича ҳисоблаган ҳолда) ички бозорда ярим тайёр тўқимачилик маҳсулотларини (калава, газмол, трикотаж полотно ва пахтани йигириш чиқиндиларини) 2007 йил 1 январгача харид қилишига истисно тариқасида рухсат берилсин, бунда ушбу ярим тайёр маҳсулотлардан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг камида 80 фоизи экспортга йўналтирилиши назарда тутилсин. | 2012 йил 1 январгача бўлган даврга узайтирилсин | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 27.01.2005 й. N 38<br>Республика тўқимачилик тармоғига инвестициялар жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида |
| 53 | "VBD Toshkent" МЧЖ хорижий корхонаси | Маълумот учун қабул қилинсинки, "VBD Toshkent" МЧЖ хорижий корхонаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ:<br>рўйхатдан ўтказилган вақтидан бошлаб 7 йил муддатга даромад (фойда) солиғи | 2012 йилда тугайди | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 07.01.2005 й. N 8 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | тўлашдан;<br>Тошкент шаҳар ҳокимлиги 2005 йил 1 январдан бошлаб ни маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг барча турларини тўлашдан беш йил муддатга озод қилсин. | | "Вимм-билл-данн компанияси иштирокидаги корхоналарни қўллаб-қувватлаш тўғрисида |
| 54 | Тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг марказлари | Тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази:<br>банкоматлар, терминаллар, коммутация ускуналари ва пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа асбоб-ускуналардан, шунингдек дастурий таъминот сифатидаги мол-мулкдан 2005 йил 1 январдан 2012 йил 1 январгача мулк солиғи тўлашдан;<br>2007 йил 12 июлдан бошлаб 2012 йил 1 январгача ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ахборот киоскларига оид қисми бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинсин. | 2005 йил 1 январдан 2012 йил 1 январгача | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 24.09.2004 й. N 445 Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида |
| 55 | "Ўзбекенгилсаноат" давлат-акциядорлик компанияси корхоналари | "Ўзбекенгилсаноат" давлат-акциядорлик компанияси корхоналарига контракт тузиш пайтида вужудга келган жаҳон нархларидан паст бўлмаган нархлар бўйича эркин муомаладаги валютага (қўшилган қиймат солиғини нул ставка бўйича ҳисоблаган ҳолда) ички бозорда ярим тайёр тўқимачилик маҳсулотларини (калава, газмол, трикотаж полотно ва пахтани йигириш чиқиндиларини) 2011 йил 1 январгача харид қилишига истисно тариқасида рухсат берилсин, бунда ушбу ярим тайёр маҳсулотлардан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг камида 80 фоизи экспортга йўналтирилиши назарда тутилсин. | 2011 йил 1 январгача | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 25.03.2004 й. n 141 "Ўзбекенгилсаноат" давлат-акциядорлик компанияси бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва республика енгил саноатини янада ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида |
| 56 | "Банк Господарства Краевого" | "Банк Господарства Краевого"нинг (Польша Республикаси) Польша Республикаси кредитларини бериш тўғрисидаги Битим доирасида олинган даромадлари Ўзбекистон Республикасидаги тўлов манбаида даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинсин. | Кредит бериши даври 17 йил муддатга | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 14.08.2003 й. N 353 Ўзбекистон республикаси ва польша республикаси ўртасидаги ҳукуматлараро битимлар доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида |
| 57 | "Саломатлик-2" лойиҳасини тайёрлаш доирасида олиб келинадиган импорт қилинадиган товарлар | "Саломатлик-2" лойиҳасини тайёрлаш доирасида олиб келинадиган импорт қилинадиган товарлар солиқлар ва божхона тўловларидан, юқорида кўрсатиб ўтилган Япония гранти маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган ишлар ва хизматлар давлат солиқларидан ва давлат мақсадли фондларига тўловлардан озод қилинсин. Бунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Япония гранти ҳисобига харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун қўшилган қиймат солиғи тўлови, шунингдек импорт қилинадиган товарлар ва хизматларни божхонада расмийлаштириш харажатлари учун тўловлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. | "Саломатлик-2" лойиҳасини амалга ошириш даврига | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 06.06.2003 й. N 256 "Саломатлик-1" лойиҳасини амалга ошириш ва "саломатлик-2" лойиҳасини ишлаб чиқиш учун халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан ажратилган қарз маблағлар ва япония грантидан самарали фойдаланиш |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | чора-тадбирлари тўғрисида |
| 58 | "Ўзэкспомарказ" РКСМ | "Ўзэкспомарказ" РКСМ объект фойдаланишга топширилган вақтдан бошлаб беш йил муддатга истисно тариқасида даромад (фойда) солиғи, мол-мулк солиғи ва ер солиғи тулашдан озод қилинсин. | объект фойдаланишга топширилган вақтдан бошлаб беш йил муддатга истисно тариқасида | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 08.11.2002 й. N 386 «Халқаро савдо-кўргазма комплекси қурилишини тугаллаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори |
| 59 | Қўнғирот сода заводи жалб этилган кредитларни қайтариш даври<br><br>Хитойнинг "Ситик" компанияси, хорижий банк ва суғурта корпорацияси, шунингдек хорижий консультантлар | Қуйидагилар:<br>Қўнғирот сода заводи жалб этилган кредитларни қайтариш даврида умумдавлат ва махаллий солиқларни тўлашдан, қўшилган қиймат солиғидан ташқари; (ЎзР Президентининг 12.12.2007 й. ПҚ-744-сон Қарори тахриридаги хат боши)<br><br>Хитойнинг "Ситик" компанияси, хорижий банк ва суғурта корпорацияси, шунингдек хорижий консультантлар Ўзбекистон Республикаси худудидаги тўлов манбаларида даромад солиғи тўлашдан озод қилинсин. | кредитларни қайтариш даврида | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 14.05.2002 й. N 158 «Қўнғирот сода заводи қурилишини тугаллаш тўғрисида»ги Қарор |
| 60 | Хорижий кредиторларнинг даромадлари ва мазкур лойиҳани маблағ билан таъминлашда қатнашувчи экспорт-кредит агентликлари | Хорижий кредиторларнинг даромадлари ва мазкур лойиҳани маблағ билан таъминлашда қатнашувчи экспорт-кредит агентликлари Ўзбекистон Республикасидаги тўлов манбаида даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинсин. | Лойҳани амалга ошириш даврига | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.02.2002 й. N 67 "Бухоро вилоятини сув билан таъминлашни яхшилаш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори |
| 61 | Мазкур лойиҳани маблағ билан таъминлашда қатнашувчи хорижий кредиторлар ва экспорт-кредит агентликлари | Мазкур лойиҳани маблағ билан таъминлашда қатнашувчи хорижий кредиторлар ва экспорт-кредит агентликлари Ўзбекистон Республикаси худудида норезидентлардан ундириладиган даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинсин. | Лойҳани амалга ошириш даврига | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.10.2000 й. N 384 «Шошилинч тиббий ёрдам РЕСПУБЛИКА марказини техник Жихатдан жихозлаш тўғрисида»ги Қарори |
| 62 | Республика ихтисослаштирилган марказлари ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган тиббиёт ускуналари ва асбоблари | Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу Республика ихтисослаштирилган марказлари ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган тиббиёт ускуналари ва асбоблари учун 2003 йилнинг 1 мартидан то 2012 йилнинг 31 декабрига қадар 10 йил муддатга барча турдаги солиқлар, божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод қилинсин, бўшайдиган маблағлар Марказларни ривожлантириш ва жиҳозлашга мақсадли тарзда йўналтирилсин. | 2003 йилнинг 1 мартидан то 2012 йилнинг 31 декабрига қадар 10 йил муддатга | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.02.2003 й. N ПФ-3214 «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони |
| 63 | Тайёр кийим-кечак (тикувчилик, трикотаж ва чарм буюмлар), пайпоқлар ва пойафзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган | Белгилаб қўйилсинки, 2003 йилнинг 1 июлидан то 2012 йилнинг 1 январига қадар тайёр кийим-кечак (тикувчилик, трикотаж ва чарм буюмлар), пайпоқлар ва пойафзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий сармоя иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари бюджетга тўланадиган қўшимча қиймат солиғидан ташқари барча турдаги солиқ ва йиғимлардан озод қилинадилар. | 2003 йилнинг 1 июлидан то 2012 йилнинг 1 январига | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2003 й. N Пф-3267 «Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар томонидан тайёр истеъмол |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | хорижий сармоя иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари | Белгилансинки, ушбу Фармоннинг 1-бандига мувофиқ бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш ва модернизациялаш, янги турдаги тайёр маҳсулотларни ўзлаштиришга, ўзининг айланма маблағларини тўлдиришга, ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга сарфланади. | | моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони |
| 64 | "Микрокредитбанк" | "Микрокредитбанк" 2015 йилнинг 1 январигача: фойда ва мулк солиқлари тўлашдан;<br>банк фойдасига ундирилган мулкни сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинсин;<br>берилган имтиёзлар туфайли бўшайдиган маблағлар мақсадли тарзда "Микрокредитбанк" АТБнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилсин. | 2015 йилнинг 1 январигача | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.05.2006 й. N ПФ-3750 "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони |
| 65 | Ихтисослаштирилган лизинг компаниялари | ташкил этиладиган ихтисослаштирилган лизинг компанияси беш йил муддатга - бўшайдиган маблағларни мелиорация техникаси етказиб берилишини молиялаштириш манбаларини тўлдиришга мақсадли йўналтирилган ҳолда умумдавлат ва маҳаллий солиқлар тўлашдан, шунингдек сотиб олинадиган мелиорация техникаси учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилсин. | беш йил муддатга | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.10.2007 Й. N ПФ-3932 «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони |
| 66 | Аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) тиббиёт муассасалари, | 2007 йилнинг 1 октябридан аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) тиббиёт муассасалари барча турдаги солиқлар ва Республика йўл жамғармаси ҳамда Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ўтказиладиган мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилсин, бўшайдиган маблағлар тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга мақсадли равишда йўналтирилсин. | 2007 йилнинг 1 октябридан 5 йил муддатга | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.09.2007 й. ПФ-3923 «соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони |
| 67 | | Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида" 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048-сон қарорининг 3-бандида белгиланган имтиёзлар: | | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.03.2010 й. N ПҚ-1306 «2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги Қарори |
| | | 2 ва 3-иловаларга* киритилган корхоналар учун - | 2011 йилнинг 1 январигача бўлган даврда; | |
| | | 2а ва 3а-иловаларга* киритилган корхоналар учун - | 2012 йилнинг 1 январигача бўлган даврда | |
| | | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048-сон қарорининг 3-бандида назарда тутилган имтиёзларнинг амал қилиши ушбу қарорнинг 4-иловасига* киритилган корхоналарга лойиҳалар белгиланган тартибда | 2012 йилнинг 1 январигача | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | экспертизадан ўтказилгандан сўнг Махсус идоралараро комиссиянинг қарорларига биноан 2012 йилнинг 1 январигача бўлган даврга жорий этилади. | | |
| | | Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида" 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048-сон Қарори (3-банди)<br>3. 2 ва 3-иловаларга киритилган корхоналар 2011 йил 1 январгача:<br>маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиғи, ягона солиқ тўлови (солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун);<br>маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинсин.<br>Белгилаб қўйилсинки, ушбу имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга, шунингдек фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, сифатни бошқариш тизимини жорий этиш, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материаллар сотиб олишга, Маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга жалб қилинган корхоналарнинг муҳандис-техник ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади. | | |
| 68 | Фонд ва "Дўрмон" ижод уйидан фойдаланиш дирекцияси" унитар корхонаси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси | Фонд ва "Дўрмон" ижод уйидан фойдаланиш дирекцияси" унитар корхонаси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси 2015 йил 1 январгача барча солиқлардан, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига ва Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилсин.<br>Белгилаб қўйилсинки, ушбу имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар фақат Фонд ва унинг бошқарувидаги "Дўрмон" ижод уйидан фойдаланиш дирекцияси" унитар корхонаси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси зиммасига юкланган вазифаларни бажаришга йўналтирилади. | 2015 йил 1 январга | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.02.2010 й. N ПҚ-1292 «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ҳузурида "ижод" фондини ташкил этиш тўғрисида» Қарори |
| 69 | Трансйўлқурилиш" компанияси | Трансйўлқурилиш" компанияси, истисно тариқасида, тўрт йил муддатга:<br>ягона ижтимоий тўловдан ташқари барча турдаги солиқлар ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан;<br>Белгилаб қўйилсинки, ушбу имтиёзларни бериш натижасида бўшайдиган маблағлар мақсадли тартибда Осиё тараққиёт банкининг қайта кредитланадиган қарзининг бир қисмини тўлашга, шунингдек компаниянинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилади. | тўрт йил муддатга | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.02.2008 й. N ПҚ-804 «Осиё тараққиёт банки иштирокида "Минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори |
| 70 | "Ўзбекенгилсаноат" уюшмаси ва "Маҳаллий саноат" корпорацияси тизимларида фаолият | Мазкур қарорга 1-иловада кўрсатилган корхоналар объектлар қурилиши тугалланиши муддатигача, бироқ норматив муддатдан ортиқ эмас, ер солиғи тўлашдан озод қилинсин.<br>"Ўзбекенгилсаноат" уюшмаси ва "Маҳаллий саноат" корпорацияси тизимларида | | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.04.1996 й. N 166 «Енгил ва маҳаллий саноатни |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | кўрсатаётган ва устав жамғармасида хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоизни ташкил этган қўшма корхоналар | фаолият кўрсатаётган ва устав жамғармасида хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоизни ташкил этган қўшма корхоналар, солиқнинг бутун миқдорини халқ истеъмол товарлари, биринчи навбатда болалар учун товарлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга қайта инвестиция қилганлари тақдирда, фойда (даромад)дан олинадиган солиқдан озод қилинсинлар. | | ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори |
| 71 | бюджет ташкилотлари | Мазкур қарорнинг 3-бандида кўрсатиб ўтилган манбалардан қўшимча даромад олаётган бюджет ташкилотлари 2000 йил 1 январдан бошлаб 2015 йил 1 январгача Давлат бюджетига ундириладиган солиқлар ва йиғимларнинг барча турларидан озод қилинсин, бўшаб қолган маблағлар моддий-техника ва ижтимоий базани мустаҳкамлашга, шунингдек уларнинг ходимларини моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтирилсин.<br>Ушбу имтиёз Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, Республика йўл жамғармасига ва бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ажратмалар тўлашга ҳам жорий этилиши маълумот учун қабул қилинсин. | 2000 йил 1 январдан бошлаб 2015 йил 1 январгача | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.09.1999 й. n 414 «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» Қарори |
| 72 | Янгидан ташкил этилаётган қўшма корхоналар ва "Отель Ўзбекистон" қўшма корхонаси | Янгидан ташкил этилаётган қўшма корхоналар ва "Отель Ўзбекистон" қўшма корхонаси:<br>кредитларни қайтариш даврида, бироқ кредит шартномаларида белгиланган муддатлардан ортиқ бўлмаган даврда, даромад (фойда)дан олинадиган солиқдан, қўшилган қиймат солиғидан, мулк солиғидан, ер солиғидан озод қилинсин, солиқ имтиёзлари берилиши натижасида бўшаб қоладиган маблағлар белгиланган тартибда тўлиқ миқдорда меҳмонхоналарни реконструкция қилиш ва қуриш учун жалб қилинган кредитларни қайтаришга йўналтирилиши назарда тутилсин. | кредит тўлиқ қайтарилгунгача бўлган даврда, бироқ кредит шартномасида белгиланганидан ортиқ бўлмаган муддатга | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.09.2002 й. N 310 «Ўзбекистон республикасида меҳмонхона бизнеси ва халқаро туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори |
| 73 | "Чорвоқ оромгоҳи" соғломлаштириш маркази | "Чорвоқ оромгоҳи" соғломлаштириш маркази:<br>кредит тўлиқ қайтарилгунгача бўлган даврда, бироқ кредит шартномасида белгиланганидан ортиқ бўлмаган муддатга - даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, қўшилган қиймат солиғи ва ер солиғи тўлашдан озод қилинсин.<br>Кўрсатиб ўтилган солиқ имтиёзлари берилиши натижасида бўшаб қоладиган маблағлар тўлиқ ҳажмда соғломлаштириш маркази қурилиши ва уни жиҳозлаш учун жалб этилган кредитни қайтаришга йўналтирилиши назарда тутилсин. | кредит тўлиқ қайтарилгунгача бўлган даврда, бироқ кредит шартномасида белгиланганидан ортиқ бўлмаган муддатга | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.01.2004 й. N 10 «Чимён-чорвоқ курорт-дам олиш зонасида "чорвоқ оромгоҳи" соғломлаштириш маркази қурилишини тугаллаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори |